



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 23 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (14.047)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР

### ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан биргаликда Мирзо Улугбек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз беришда иштирок этди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 117-моддасида фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан сайлов ва сайланиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Сайловда бешта – Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси иштирок этди.

Бу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги орган шароитда ҳамда янги сайлов қонунчилигига мувофиқ ўтказилди.

Ўзбекистон тарихида илк бор ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Сайловга оид 21 қонун тизимлаштирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Квота белгилаш институти бекор қилинди. Бешта сиёсий партияга, жумладан, янги Ўзбекистон экологик партиясига соғлом рақобат қилиши учун тенг шарт-шароит яратилди. Сиёсий партияларнинг сайловолди очиқ мунозаралари жонли эфирда ёритилди. Уларда жамиятимизни ўйлантираётган ўткир масалалар муҳокама қилинди.

Охириги йиллардаги очиқлик, демократик янгиланишлар натижаси-

да жамиятимиз ҳам ўзгарди. Бу сайлов жараёнида ҳам яққол намойён бўлди. Фуқаролар ишонч ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан сайлов участкаларига келиб, келажак учун овоз берди.

Давлатимиз раҳбари 162-сайлов участкасига келган одамлар билан суҳбатлашди, биргаликда суратга тушди. Биринчи марта овоз берган ёшлар, ота-онаси билан келган болаларнинг ўқишлари ривож тилади.

Нуронийлар мамлакатимизга тинчлик-фаровонлик, Президентимизга соғлиқ-омонлик тилаб дуолар қилди.

Барча сайлов участкаларида қонунчилигимизда белгиланган шароитлар яратилди. Жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 315 та, жумладан, 38 мамлакатда 55 сайлов участкаси ташкил этилди. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ўта оғир жиноятлари содир этмаган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сайлов жараёнида кузатишда МДХ, ШХТ, ЕТТБ, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гага конференцияси, Туркий кенгаш, ТуркПА, шунингдек, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси таркибида 700 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчи иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот қилди. Улар сайловлар очиқ, юксак савияда ўтаётганини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганини таъкидлади.

ЎЗА

### ХАЛҚИМИЗ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган янги Сайлов кодекси асосида мутлақо янги руҳда ўтказилди. Жумладан, сайловларда 5 та партия иштирок этди. Уларга тенг имкониятлар яратилди. Ўз навбатида, ислохотларимизга ҳамроҳан тарзда халқимиз фаоллиги ҳам кузатилди.

Сайловларда ватандошларимиз қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзларининг конституцион ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилди. Хориждаги участка сайлов комиссиялари сайловчилар зич яшайдиган, ишлайдиган ёки ўқийдиган жойларда кўча сайлов қутиларида сайёр тартибда муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилди.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими илк мартаба мамлакат миқёсида қўлланилди. Ушбу тизимнинг асосий мақсади сайловчилар ҳисобини юритиш ва уларни автоматик равишда сайлов участкаларига, участкаларини эса сайлов округларига тақсимлаш ҳамда “Бир сайловчи – бир овоз” тамойилини амалда татбиқ қилиш ҳисобланади.

Бу йилги сайловларда ҳар бир участкада кўзи оғиз фуқаролар учун биринчи марта Брайль ёзувида ёзилган бюллетенларда овоз бериш ташкил этилди. Бу каби чора-тадбирлар амалга оширилиши фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол ва тенг иштирокини таъминлади.

Сайлов жараёнининг бориши Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот марказида ташкил этилган брифингларда тезкор ёритиб борилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қатор сайлов участкаларидаги овоз

бериш жараёни онлайн трансляция қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар мамлакатимизда соат 20:00 да яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов берган дастлабки маълумотга кўра, сайловларда Ўзбекистон ҳудудидаги 18 миллион 797 минг 810 сайловчидан 13 миллион 355 минг 911 нафари иштирок этди. Бу Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига киритилган фуқаролар умумий сонининг 71,1 фоизини ташкил қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 96-моддасига биноан сайлов, агар унда сайловчиларнинг камида 33 фоизи иштирок этган бўлса, ҳақиқий ва қонуний, деб ҳисобланади. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларни бўлиб ўтган, деб ҳисоблаш мумкин.

Овоз бериш жараёни аккредитациядан ўтган 1155 маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари томонидан кенг ёритилди. Сайловлар жараёнида 10 нуфузли халқаро ташкилотдан, дунёнинг 50 га яқин давлатидан юзлаб халқаро кузатувчилар иштирок этди. Бундан ташқари, сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 70 мингдан зиёд кузатувчи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларнинг дастлабки натижалари бугун матбуот анжуманида эълон қилиниши кутилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон давлат университети билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Россия Федерациясининг Томск давлат университети делегацияси Андижонга келди. Икки таълим муассасаси вакиллари иштирокида олиб борилган музокараларда менежмент, ландшафт архитектура, архив-шунослик йўналишлари бўйича бакалаврият ҳамда функционал электроника, фотоника материаллари ва қурилмалари йўналишларида магистратура мутахассисликлари тайёрлаш юзасидан қўшма таълим дастурлари очиб иштирокчилик муҳокама қилиниб, Андижон давлат университети ва Томск давлат университети ўртасида қўшма таълим дастурлари ташкил этиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

● “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан оммавий ахборот воситалари ходимларини Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ҳамда ҳудудда молиялаштирилган лойиҳалар билан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди. Пресс-тур давомида журналистлар “Vita Ceramics” ҳамда яна бир йirik ишлаб чиқариш объекти “Angren charm invest” корхонаси фаолияти билан таништирилди. Пресс-тур давомида ҳудудда банк томонидан молиялаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди. Журналистлар вилоятда фаолият юритаётган тadbиркорлар билан яқиндан мулоқот ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Кегайли туманига медиа-тур ташкил этилди. Умумий қиймати 6 миллион 900 минг доллар бўлган корхонада қизилмия экстракти ишлаб чиқариш моқда. Медиа-тур иштирокчилари “Кегайли-қоғоз” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида ҳам бўлди. Умумий қиймати 5 миллион доллар бўлган корхона 2018 йилда фойдаланишга топширилган. Жами 70 нафар киши иш билан таъминланган корхонада бугунги кунда салфетка ва ҳўжалик қоғози ишлаб чиқариш моқда. Келгусида эса офис учун мўлжалланган ўлчамлардаги қоғоз ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

● Қашқадарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси ташаббуси билан вилоятдаги 18-қўриш имконияти чекланган болалар учун иктисослаштирилган давлат таълим муассасаси ўқувчилари иштирокида “Ёш китобхон” кўрик-танлови ташкил этилди. Танлов иштирокчилари учта шарт бўйича баҳслашди. Ташкилотчилар томонидан тасвир қилинган ҳакамлар гуруҳи ўқувчилар билимини баҳолаб борди. Tadbir давомида муассаса ўқувчилари ижросида янграган кувнок куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди. Танлов сўнггида вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси китоб фондига янги қабул қилинган адабиётлар юзасидан тақдимот ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Мексиканинг Косумель шаҳри портида икки круиз кемаси тўқнашди. Тўқнашув Carnival Glory лайнери портда тўхташга тайёргарлик қилиб, манёврни амалга ошираётганда юз берди. Кема олдинги қисми билан Carnival Legend лайнерини туртиб юборди. Тўқнашув кучли шамол шароитида содир бўлган. Carnival Glory йўловчиларидан 6 нафари энгил жароҳат олди. Ходиса кемаларнинг юршига таъсир қилмагани айтилмоқда.

● Чукоткада дунёда ягона сузувчи атом иссиқлик электр станцияси ишга тушди. Станция генераторлари Чукотканинг Певек шаҳрига уланди. Генераторлар ишга тушиши билан шаҳардаги Янги йил арчаси ҳам нур билан безатилди. “Академик Ломоносов” Россиядаги ўн биринчи атом станцияси бўлди. Кейинчалик у фойдаланишдан чиқарилиши кўзда тутилган Билибин АЭСнинг ўрнини босади. Станциянинг икки реактор қурилмаси аҳолиси 100 минггача бўлган шаҳарни электр билан таъминлашга қодир. Кема 13 йил давомида Петербургдаги “Балтика” заводида қурилган.

● АҚШнинг Boeing авиакомпанияси икки бор юз берган авиаҳалокатдан сўнг парвозлари амалга оширилмаётган 737 MAX самолётлари ишлаб чиқарилишини тўхташига қарор қилди. Ҳаво кемаларини йиғиш 2020 йил январидан тўхтатилади. Бу жараён қачон тикланиши мумкинлигига аниқлик киритилмаган. Ишлаб чиқариш тўхтатилишига 737 MAX лайнерларини учига қайтариш синовлари 2020 йилга қолдирилгани сабаб сифатида кўрсатилган. Маълумот учун, Boeing авиакомпаниясининг энг янги лайнери бўлган 737 MAX сотуви ва парвозлари жорий йил мартдан бери шу русумга мансуб икки самолёт кулагани ва 340 нафардан ортқ йўловчи ҳалок бўлганидан сўнг бутун дунё бўйлаб тўхтатилганди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОГИСТОН ЙИЛИ: БУЮК ДЎСТЛИК РУҲИ БАРДАВОМ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида бошланган маданий-маърифий, гуманитар, сиёсий, илмий алоқалар Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан ўтган тadbirlарга уланиб кетди. Бу тadbirlар икки халқ, бир тану бир жон бўлиб кетган элларимизни янада яқинлаштирди. Ҳамкорлик тadbirlари халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликини мустаҳкамлаш ва улуғлашдек муштарак мақсадларга хизмат қилди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ўтказилиши стратегик шериклик муносабатлари, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораётганидан дарак. Бу халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқинлиқнинг намойён бўлишидир.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида туризм, маданий-гуманитар, иктисод соҳаларида кўллаб тadbirlар, маърифий ўрашувлар, турли фестивал ва иждоий кечалар ўтказилди. Икки мамлакат санъат намоёндаларининг ўзаро ташрифлари амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим ишлаб чиқарадиган завод ўз фаолиятини бошлади.



## ТОШКЕНТДА МДХ ДАВЛАТЛАРИДА ЯГОНА БЎЛГАН ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbirda маҳаллий ва хорижий соҳа ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Польшанинг “NOVOL ASIA” ҚҚ ўртасида имзоланган ағлашув меморандумига мувофиқ амалга оширилди.

Tadbirda сўз олганлар мазкур завод полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим (мармар, гранит ва бошқа тошлар учун махсус елим) ишлаб чиқариш бўйича МДХ мамлакатларида ягона эканлиги ва унинг фаолияти юртимиз қурилиш саноатида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қайд этиш керакки, 1978 йилда ташкил этилган “NOVOL” компанияси Польшада йirik ишлаб чиқарувчилар сирасига киради. Бугунги кунда компаниянинг кўп йиллик тажрибаси хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Ушбу компания мамлакатимизда ўз имкониятларини синаб кўрмоқда.

Томонлар ўртасида имзоланган меморандум доирасида технологиялар трансферти муваффақиятли амалга оширилди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

– Полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим ишлаб чиқариш бўйича корхоналар Ўзбекистон Республика-

си ва МДХ давлатларида шу пайтгача мавжуд эмас эди, – деди Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Назокат Абдуқундузова. – “NOVOL ASIA” МЧЖ ҚҚ томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган товардир. Кўп функцияли полиэфир шпатлёвка автомобиль саноати ва автосозлаш устаноналарида, шунингдек, мебель саноатида қўлланилиши мумкин. У ўзида тўлдирувчи ва безак берувчи шпатлёвкани муассас этади. Полиэфир елим эса мармар, гранит ва бошқа тошлар учун махсус елим ҳисобланади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР

**Сўз – халқаро кузатувчиларга**

## САЙЛОВДА ВАТАН, ХАЛҚ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТҮЙҒУСИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ

**Мамлакатимизда 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.**

Сайлов жараёнини кузатишда МДХ, ШХТ, ЕТББ, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси, Туркий кенгаш, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Парламент Ассамблеяси, шунингдек, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси таркибида 700 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

УЗА мухбирлари “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган сайловларда қатнашган хорижий кузатувчиларнинг айримлари билан суҳбатлашди, уларнинг сиёсий жараён бўйича фикрлари билан қизикди.

**Каэтана ДЕ ЗУЛУЕТА, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) сайловни кузатиш миссияси раҳбари:**

– Сайловлар турли мамлакатларда ўзига хос тарзда ўтказилади. Аммо унинг тамойили бир – танланган номзодларга овоз бериш. АҚШда сайловлар электрон тарзда, Европа Иттифоқида эса Ўзбекистонда бўлгани каби сайлов бюллетенларида амалга оширилади.

ЕХХТ ДИИХБ вакиллари Ўзбекистон бўйлаб сайлов жараёнларини кузатаяпти. Урганишларимиз якуни бўйича ўз хулосаларимизни тақдим этамиз.

Айрим ўринларда бюллетенларда сайловчиларга қарши овоз берувчи қатор йўқлиги айтилди. Шунинг унутмаслик кераки, ушбу қатор кўпгина давлатларнинг сайлов бюллетенларида ҳам йўқ. Бу сайловларнинг демократик руҳда ўтишига таъсир этмайди.

**Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ Ихроия кўмитаси кузатувчилари миссияси раҳбари, МДХ Ихроия кўмитаси Раиси – Ихроичи котиби:**

– МДХ Ихроия кўмитаси кузатувчилари миссияси бир ойдан буён мамлакатнинг турли ҳудудларида бўлиб, сайловга қўрилган тайёргарлик жараёнини кузатди. Миссиямиз барча сайловларда жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сайловни ўтказишга алоқадор тузилмалар, жумладан, Ички ишлар, Ташқи ишлар вазирликлари, Бош прокуратура билан яқиндан ҳамкорлик қилди.

Ўзбекистонда илк бор янги Сайлов кодекси қабул қилинди ва унда халқаро сайлов ҳуқуқининг барча тартиб-қоидалари белгиланган. Кодексни Ўзбекистон фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён қилишларининг кафолати, дейиш мумкин.

Сайлов кампанияси сифатли ташкил этилган. Овоз беришда камчиликлар бўлмастлиги, фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришларини таъминлаш учун барча зарур чоралар қўрилган. Бу эса сайлов натижалари халқ кутганидек бўлишини кафолатлайди.

**Кристоф БЕРНАСКОНИ, халқаро кузатувчи (Нидерландия):**

– Мамлакатингизда ўтказилган сайлов муносабати билан уч кун давомида Тошкентда фаолият юритдик. Муҳим сиёсий воқеалар ҳозирлик жараёнари билан бевосита танишиш имконига эга бўлдик. Айтишим мумкинки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан эркин фойдаланишлари учун барча шароит яратилган. Халқаро кузатувчи сифатида бу борадаги ишларни алоҳида қайд этишни истардим.

Бевосита сайлов жараёнига тўхтайдиган бўлсак, Тошкент шаҳар Миробод туманида ташкил этилган 218-сайлов участкасида бўлиб, фуқароларнинг овоз беришда иштирокини, сайлов комиссияси, ишончли вакиллар фаолиятини кузатдим. Сайлов кўтаринки руҳда, юқори савияда, илк бор қабул қилинган янги Сайлов кодексида муровоқ, очик ва ошқора тарзда ўтказилди.

**Алмутава ЖАСИМ ИСО, БАА Савдо-саноат вазирлиги маслаҳатчиси, халқаро кузатувчи:**

– Сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш учун келган фуқароларни, улар ҳуқуқларининг таъминланишини кузатдим ва қонун бўзилиш ҳолатини учратмадим. Очиклигини таъминлашга қаратилган сайловчилар иштирокининг ёғона базаси яратилгани менда катта таассурот қолдириди. Сайловга яқин тайёргарлик қўрилган. Номзодлар орасида хотин-қизлар ва ёшларнинг кўпчилиги қувонарли.

Мамлакатингизда уч йил олдин ўтказилган Президент сайловларида ҳам иштирок этиб, аҳолининг келажакка

бўлган интилиши, мақсадлари сари ҳаракатига гувоҳ бўлгандим. Бугун ана шу танлов туфайли юртингизда демократик тамойиллар, сўз эркинлиги таъминланган. Демак, сайловда тўғри танлов амалга оширилган.

Бу гал ҳам номзодлар орасидан танланган депутатлар Ўзбекистоннинг келажаги йўлида меҳнат қилиб, унинг равнақи ва аҳоли турмуши фаровонлигини янада яхшилашда муносиб иштирок этишига ишонаман.

**Наргис РАҲМОҒОВА, МДХ Парламентларо Ассамблеяси кузатувчи миссияси вакили (Тожикистон):**

– Мамлакатингиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва кўшимчалар бу йилги сайловларни том маънода янгирақ руҳда ташкил этиш имконини берди.

Сайловларда сиёсий партиялар, ҳар бир фуқароннинг очик ва тенг ҳуқуқи иштироки таъминланган. Улар учун умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мос шароитлар яратилган. Сайлов участкаларида бўлиб, жараёни кузатдим ва ҳамма жойда сайловлар қонунчилигига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ўтганига гувоҳ бўлдим.

Гендер тенглиги масаласи билан боғлиқ бир фактни ибрат сифатида қайд этишни истардим: Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексида асосан депутатликка номзодлар орасида хотин-қизлар умумий миқдорининг 30 фоизидан кам бўлмастлиги белгилаб қўйилган. Шу маънода номзодларнинг 45 фоизи аёллар экани мени қувонтирди. Бу мамлакатда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашга устувор аҳамият қаратилишидан далолат.

**Мунир ҲАБИБ, ШХТ Котибияти маслаҳатчиси, халқаро кузатувчи (Покистон):**

– Андижон шаҳридаги қатор сайлов участкалари фаолияти билан танишишим, одамлар билан суҳбатлашдим. Ушбу вилоят мисолида Ўзбекистон Республикаси парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларга тайёргарлик ишлари юқори савияда ташкил этилганига амин бўлдим.

Сайлов куни Андижон шаҳридаги 45-сайлов участкасида бўлиб, фуқароларнинг фаоллиги, сайловчилар учун зарур шароитлар яратилгани, сайлов комиссияларида ўз ишлари пухта билладиган, муайян тажрибага эга кишилар жалб этилгани, жараён халқаро талаб ва меъёрлар асосида ўтказилганини кузатдим.

Халқаро андозалар, демократик тамойиллар асосида ўтган сайловларда халқингиз энг муносиб номзодларга овоз берди. Бу танлов, албатта, мамлакат тинчлик-ҳотиржамлиги, юртингизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

**Қубаничбек ТААБАЛДИЕВ, Қирғизистон “Қабар” миллий ахборот агентлиги бош директори, халқаро кузатувчи:**

– Ушбу сиёсий жараён мамлакатингиз учун улкан тарихий аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлик даврида илк бор ташкил этилган бу сиёсий тадбирнинг муҳим жиҳатларидан бири – соҳага оид турли қонунчилик ҳужжатларининг тақомиллаштирилгани.

Янги Сайлов кодекси талаблари асосида ўтказилган сайловда Тошкент шаҳридаги иккита, шунингдек, Бухоро шаҳридаги сайлов участкаларида бўлдим ва сиёсий жараённинг юқори савияда ташкил қилинганини кузатдим. Сайлов участкаларида партияга оид барча маълумотлар етарли. Сиёсий партиялар томонидан қўрсатилган номзодлар ҳақида ахборотлар билан танишиш имконияти яратилган.

Сайловларда энг муҳими шаффоқлик, очикликдир. Бу тамойилларга риоя қилинди. Сиёсий партиялар кузатувчилари билан мулоқотда жараённинг боришида уларда эътироз пайдо бўлмаганини билдиришди.

Куни кеча Буюк Британиянинг “The Economist” журнали Ўзбекистонни “Йил мамлақати” деб эълон қилди. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иجتимоий ислохотлар самараси, халқингиз муносиб ҳаёт кечириши йўлида яратилаётган демократик эркинликларнинг амалдаги эътирофидир. Бу галги сайлов ҳам халқингиз орзу-истакларини рўйбага қилишда муҳим қадам бўлиб қолади.

**Сайид Холид АМИР ЖАФФЕРИЙ, Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази президенти:**

– Ўзбекистонга илк бор 2009 йили келгандим. Бугунги Ўзбекистон мен кўрганимдан бутунлай фарқ қилади.

Сайловлар ҳар бир давлатда муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Уни демократик тамойиллар, халқаро стандартлар асосида ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Кўллаб сайлов участкаларида бўлдим. Сиёсий воқеаликка алоҳида тайёргарлик қўрилган. Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этгани таҳсинга лойик. Боиси, ривожланган давлатларда ҳам ҳар доим бу каби уюшқоқликни қўриш мушкул.

Фуқаролар ўз позициясини эркин овоз бериш орқали билдиришди.

**Владимир ГРАЧЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари:**

– Кузатувчи сифатида сайлов участкаларида тайёргарликнинг бориши ва сайлов бошлангандан кейинги жараён билан танишидик. Ўзбекистонда янги Сайлов кодекси асосида сайловларни ўтказишга яқин тайёргарлик қўрилган. Биз борган сайлов участкаларида жараён демократик руҳда, шаффоқ муҳитда, қонунчиликка мос ўтганини қайд этишни истардим.

Сайлов жараёни мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга ҳамроҳан қайфиятда ўтганини ҳис қилдик. Шу маънода, айтишим мумкинки, сайлов бўйича хулосаларим ижобий.

**Гулнора КУНБАЕВА, Оқтўба вилояти сайлов комиссияси раиси (Қозоғистон):**

– Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтган очик ва ошқора сайловларда Ўзбекистон кучли демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритганини намоён этди. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдиригани бунга яққол мисол. Термиз шаҳридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Сайловчилар катта қизиқиш билан келиб, номзодлар учун яширин овоз берганини кузатдик. Ўзбекистон миллий қонунчилигида сайловларни адолат ва тенглик тамойили асосида ўтказиш меъёрлари мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакат ривожига хизмат қилмоқда.

Сайлов фуқаролар фаоллигига ўтди. Буни муҳим сиёсий жараённинг туб моҳиятини одамларга тушунтириш учун қилинган салмоқли ишлар самараси, дейиш мумкин.

**Геннадий ОНИШЕНКО, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думаси депутати:**

– Ташриф асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб, сайлов тизими билан яқиндан танишидим. Албатта, бу галги сайлов қонунчилигига қўллаб ўзгартирилган киритилган.

Ўзбекистонда ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида учинчи бор иштирок этдим. Бу галги сайловлар мамлакатингизда кечаётган демократик янгилашлар руҳи халқингизнинг овоз бериш жараёнида ҳам намоён.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда кенг қўламли ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Мазкур сиёсий воқеалик ҳам ушбу янгилашлар самараси сифатида баҳолаш мумкин. Сайловда ҳар бир фуқаро ўз тақдирини, мамлакат равнақига бевосита дахлдор эканини яна бир бор намоён ш этди.

**Филиппо МАЛИНБЕРНО, халқаро кузатувчи (Италия):**

– Ўзбекистонга илк бор 2018 йилда келгандим. Қисқа фурсатда улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди.

Юртингиз сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан дунёга юз тутмоқда. Сайловда аҳоли фаол иштирок этгани ҳам бу фикрнинг ёрқин мисоли. Барча тайёргарлик ишлари халқаро меъёрларга мос. Ўзбекистонда аҳолининг аксариятини ёшлар ташкил қилишини эътибордан ташкил қилиш орасида ҳам ёш авлод вакиллари устунлик қилиши Ўзбекистон ўз келажагини баркамол авлод тақдирда кўраётганидан далолат.

Шу ўринда мамлакатингизда ёшлар масаласига қаратилган доимий эътибор ва гамўрлиқни алоҳида таъкидламоқчиман. Келажақ эгаларига бўлган бундай муносабатга ҳавасим келди. Бу масалада Ўзбекистондан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп.

**Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини юқори даражага олиб чиқиш ҳамда халқимизнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ва дунёқарашини ошириш мақсадида ҳар бир соҳада кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.**

Курилиш соҳасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Натижада шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилаш, аҳолининг ижтимоий шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарасида обод ва гўзал масканлар кўпаймоқда.

Авалло ҳудудларимизни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришнинг асоси нимадан бошланади? Энг аввало ҳар битта аҳоли пунктини (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овуллар) мукаммал ва истиқболли ривожлантиришни кўзлаган ҳолда бош режалари ишлаб чиқиши лозим. Мамлакат тарихида рақамларга назар соладиган бўлсак, жами 1200 та шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд бўлиб, шундан 91 фоиз шаҳар ва шаҳарчаларимизнинг бош режалари ишлаб чиқилган.

Ушбу бош режалар асосида йўл, сув, инженерлик тармоқлари аҳоли яшаш учун уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари (боғча, мактаб, соғлиқни сақлаш объектлари, ва ҳ.к), меҳнат фаолиятини олиб бориш учун ҳудуднинг салоҳиятига қараб ишлаб чиқариш объектлари, инфраструктура объектлари, ва аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун кўнгличор объектлар, истирохат боғларини қуриш ташкил этилади.

## ТАРАҚҚИЁТ САРИ ИЛДАМ ҚАДАМЛАР

Ҳозирда бу қурилиш жараёнари асосан тadbиркорларимиз, маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, бу қурилиш ишларини амалга оширишнинг қонунчилигимизда белгилаб қўйилган тартиб-тамомийлари мавжуд. Яъни, ер ажратилган ва қурилишга рухсат бериш тартиби. Биз биламики, авваллари бу жараёнлар маҳаллий ҳокимият органлари ва тегишли ташкилотлар билан тўғридан-тўғри мурожаат орқали амалга оширилган. Мазкур жараёнда қўллаб ҳужжатлар талаб этилиши эса кишиларга нуқулвайликлар туғдираётган эди. Бу ўз ўрнида фуқаролар ва тadbиркорларимизнинг озми-кўпми сарсонгарчилиги ва кўп вақт талаб этилишига ҳамда айрим бюрократик тўсқинликлар юзага келишига сабаб бўларди.

Ҳозирги кунга келиб бу жараёнлар батамом соддалаштирилди. Қурилиш вазирлиги томонидан бу каби овозгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида қўллаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бунда аввало соҳанинг ҳуқуқий асосларини айтиб ўтишимиз лозим бўлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони, 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юришти” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юришти” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда жорий йил 26 августдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-тамомийларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, республикада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самардорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги қарори қабул қилинди.

Қарога асосан, қурилиш рухсат бериш жараёни 84 кунга қисқартирилган бўлиб, шундан 25 кунни Қурилиш вазирлиги органлари томонидан бериладиган рухсатномалар учун сарфланади.

Ер майдони танлаш ҳужжатларини тайёрлаш ва тегишли ташкилотлар билан келишиш, АРТни тайёрлаш учун вақт сарфи 31 кунни ташкил этиб, шундан Қурилиш вазирлиги органлари томонидан бериладиган рухсатномаларга 13 кун сарфланади.

Ерни аукцион савдоси орқали АРТ билан биргаликда сотиб олиш вақти сарфи эса 29 кунни ташкил этади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, экспертизадан ўтказиш ва қурилиш бошланганлиги тўғрисида хабарнома юбориш учун вақт сарфи 13 кунни ташкил этиб, шундан 9 кунни Қурилиш вазирлиги органлари томонидан бериладиган рухсатномалар учун сарфланади.

Муҳандислик коммуникация тармоқларига улашиш учун вақт сарфи эса 5 кунни ташкил этади. Объектни фойдаланишга қабул қилиш ва рўйхатга олиш учун вақт сарфи 6 кунни ташкил этади ва шундан 3 кунни Қурилиш вазирлиги органлари томонидан бериладиган рухсатномалар учун сарфланади.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг бари аҳоли турмушининг янада фаровонлашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Жаҳонгир АНВАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Худудларни Архитектура ва шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш бошқармаси мутахассиси**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ: БУЮК ДЎСТЛИК РУҲИ БАРДАВОМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улжан Байбутинова иштирок этиб, Гран-при мукофотини қўлга киритди, Ўзбекистон давлат санъат музейида Қозоғистон музейларининг “Буюк дашт: тарих ва маданият” номли кўргазмаси, икки томондан 220 га яқин тadbиркор иштирок этган VI Ўзбекистон – Қозоғистон бизнес-форуми ўтказилди.

“Қозоғистон – Ўзбекистон: ҳамкорликнинг янги қирралари” номли китоб кўргазмаси, Қозоғистон таълим кўнлари, Қозоғистоннинг “Салтанат” давлат рақс театрининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида концерт ва “Астана опера” театри жамоаси томонидан қўйилган спектакль, “Ўзбекистон” МА ва “Қозоқфильм” АЖ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Қозоғистон киноси

кўнлари ўтказилгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Йил давомида қозоқ театрларининг Ўзбекистонга ижодий сафарлари ушатирилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида “Абай” спектакли сахналаштирилиб, Қўстонай вилояти И.Омаров номидаги қозоқ театрининг “Хан Кене” ва “Айман-Шолпан” спектакллари намоён ш этилди.

Марғилон шаҳрида ўтказилган Халқаро фольклор мусика фестивалида Қозоғистондан “Астар” жамоаси иштирок этиб, “Аждодларнинг унутилаётган урф-одатларини тараннун этгани учун” номинацияси билан тақдирлангани ҳам эсда қолади, муҳим тadbирлардан бири бўлди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимига ҳамкорлик мустаҳкам асосларга эга. Мамлакатимиздаги мактабларда қозоқ тили ўқитилади, олий

таълим муассасаларида қозоқ тили, математика, физика ва бошқа фанлар бўйича педагог кадрлар тайёрланади. Бир қатор лойиҳалар асосида ҳамкорлик янада мустаҳкамланадиган.

Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши эса мустаҳкам ҳамкорлик ифодасидир.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилига катта тайёргарлик қўрилди. Икки мамлакатнинг турли соҳа вакилларига ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги йўл очилди.

Қозоғистон йили доирасида амалга оширилган ҳар бир лойиҳа, ҳар бир янги қадам кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

...Тантанали тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳакимов ва Қозоғистон Республика-

си маданият ва спорт вазирлиги Раимқулова сўзга чикди.

Азиз Абдуҳакимов мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этди. Савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилгани таъкидланди.

– Бизнинг маданиятимиз бир, – деди Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазирлиги Раимқулова. – Биз ўзбек халқини оғанини, дўсту ёр, биродар деб биламиз. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши икки эл ўртасидаги маданият, ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Кўллаб маданий тadbирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг ижодий сафарлари ташкил этилди. Ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланди ва дўстлигимиз бундан кейин ҳам давом этади.

Тadbир катта концерт дастури билан якунланди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА**



### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони эканлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишлаб чиқарган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида айтиб ўтди.

Шунингдек, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда қонунийликни қарор топтириш, қонун бузилишига қарши курашиш борасида жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқлиги қайд этиб ўтилди.

Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий жараёнларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат органи вакили ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим омилidir. Жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва ривожлантириш жойларда ислохотлар, Давлат дастурлари ижроси тўғрисида жамоатчиликни кенг хабардор этиб бориш, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, маҳаллий давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан мустақкам ҳамкорлигини таъминлаш билан бирга аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш тартибиде амалга оширилади.

Йиғилишда билдирилган фикрларнинг мантикий давоми сифатида 2019 йил 13 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарор билан Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш Дастурни амалга оширишининг асосий мақсадларидан бири этиб белгиланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кучайтиришда, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш долзарб вазифага айланди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат томонидан қаролангани эса ислохотларни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратди. Яратилган ушбу имкониятлар аҳоли хоҳиш-иродаси, истаклари ва манфаатларининг фуқаролик институтлари орқали йўлга қўйишга замин бўлмоқда. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари асосида ўзаро муносабатлар ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим бунёд этилиб, бу пировардида аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишининг энг муҳим шартларидан биридир. Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолият

ти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим омилidir. Яъни, давлат органлари халққа ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, унинг олдида ҳисобот бериб бориши лозимдир. Бунинг натижасида, жойларда ислохотлар, Давлат дастурлари ижроси тўғрисида жамоатчилик кенг хабардор этилиб, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш ҳамда маҳаллий давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақкам ҳамкорлигини таъминлаш билан бирга аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш тартибиде аниқ маҳаллий давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

лик назоратини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция билан мустақкамланган сиёсий ҳуқуқи саналади. Жамоатчилик назорати давлат органлари фаолияти ва тегишли соҳаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратнинг муҳим шаكلي бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги, "Табиати муҳофазат қилиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Қолаверса, фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажариш борасида маҳалла-лар фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари ҳам яратилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида тасвирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустақкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очкилиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 2018 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлири фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди.

Қарорда ҳар бир давлат органи, жумладан, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш белгилаб қўйилган бўлиб, кенгашнинг зиммасига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олинishi, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилаётган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўйбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давлат органлари хузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлири фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Жумладан, жойларда давлат органлари ва фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ижтимоий шериклик муносабатлари доирасида зарурий дастур ва тавсиявий ҳаракатлардаги услубий кўрсатмалар асосида амалий семинар-тренинглр ва давра суҳбатлари ташкил этиш, ҳар бир давлат органи ва муассасасининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга масъул мутасадди раҳбар ўринбосарларининг қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан масъулиятини янада ошириш, давлат органлари хузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлири фаолиятига оид маълумотларни мунтазам равишда ташкилот ва муассаса веб-сайтида ёритиб боришни янада кенгайтириш, давлат органининг фаолиятига доир масалалар юзасидан ташаббуслар ҳамда мувожазларни кўриб қиқишда мазкур кенгашларнинг ролини янада ошириш, шунингдек, уларни кўриб қиқиш натижалари бўйича ижтимоий аҳамиятга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва давлат органига киритиб боришни таъминлаш лозим.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, бу орқали тасвирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин. Агар мазкур фаолият амалда тўғри ва мақсадли қўллansa, муайян давлат органи раҳбари ўз фаолиятини яхшилаш, унга четдан баҳо бериш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан ташаббуслар билан чиқди. Натижада ўз ишидаги айрим камчиликлар, қонуний фаолияти доирасида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиб, ўз фаолиятини яхшилашга эришади.

Бу эса жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришда, фуқароларнинг давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликни янада оширишда самарали майдон вазифасини ўтайди.

**ҲАКИМ АЗИМОВ,**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
**ШОМАНСУР ШАҲКУБОВ,**  
тарих фанлари номзоди, Тошкент давлат  
юридик университети катта ўқитувчиси

### Гендер сиёсати хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз навбатида, гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари халқаро ва миллий қонунчиликда ўз аксини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, эркак ва аёллар тенглиги 1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам алоҳида эътироф этилган.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНФААТИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Бу ҳақда Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бўлиб ўтган "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатлари давлат ҳимоясида" мавзусидаги семинар-тренингда батафсил сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, БМТ Гиёҳанд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбир "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларнинг таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланди.

Мазкур қонунлар хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишини ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати таркибиде аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғул

ланувчи Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил қилинди.

Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Республика молсаларини ва ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази каби янги тузилмалар фаолият бошлади.

Тадбирда гендер тенгликни таъминловчи қонунларнинг бажарилишини таъминлаш учун олий таълим муассасаларида «Йўл хариталарини қабул қилиш, шунингдек, Гендер тенглиги бўйича миллий стратегия доирасида режалар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Гендер сиёсатининг мониторинги ва самарадорлигини баҳолаш соҳасида www.gender.stat.uz сайтида қўшимча 54 гендер кўрсаткичларини киритиш орқали муҳим ўзгаришлар рўй берди.

– Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар асосида қишлоқлардаги хотин-қизлар, этник озчилик гу

руҳлари, ногиронлар, жазони ўташ муассасаларидаги хотин-қизлар ҳимояси кучайтирилди, – деди Фаргона давлат университети хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Шохиста Йўлдошева. – Илчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида иқтисодий барқарорлик таъминланмоқда. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий барқарор жамиятда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлиги юқори даражада бўлади. Гендер тенглиги ижтимоий тенгликни ҳам ағллатади.

Семинарда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари ва аёлларни таъкиддан ҳимоя қилишга бағишланган видеороликлар намойиш этилди. БМТ эксперти маъруза қилди.

Семинарда фаол иштирок этган катнашчиларга сертификат топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**МУҲАЙЁ ТОШҚОРАЕВА**

### Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 12.01.2017 йилда № 009742-11 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ULUG'BEK AND KAMILA GROUP" МЧЖ (СТИР 304529935) таъсисчисининг 20.12.2019 йилдаги № 2-қарорига асосан ташкилот фаолияти қайта тикланганини маълум қилади.  
Давловлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 73а-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99893 517-01-45.

"CULMINAL INVEST" (СТИР 301 638 328) МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

### Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг ҚАРОРИ

## 2020 ЙИЛ УЧУН МИРОБОД ТУМАНИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашлирининг маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилик кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Миробод тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши,

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги "2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 521/63-5-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қўйидаги солиқ турлари Миробод тумани маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда аяка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- сўв ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно.

б) Қўйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Миробод тумани маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айланмадан солиқ;

мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

в) Қўйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:

- умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тумани маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади).

г) Қўйидаги харажатлар Миробод тумани маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:

- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;
- давлат санитария-эпидемиология назорати тумани марказини сақлаш харажатлари.

3. Қарорнинг мувофиқ, Миробод тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрларни тасдиқланганлиги;

7-илловасига мувофиқ, 2020 йил учун Миробод тумани бюджетига йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1 207 872,0 минг сўм** этиб белгиланганини маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2020 йил учун Миробод тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-илловига мувофиқ маълумлансин.

5. 2020 йил учун Миробод тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-илловига мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун Миробод тумани бюджетига захира жамғармаси ҳажми **1 207 750,0 минг сўм** миқдориде белгилансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини тумани бюджетига кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Миробод тумани ҳокимлиги, тумани молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилар:

- тумани бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда ўш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олинсин;
- ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга бюджет маблағларини тақсимловчилари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

- тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин ҳамда веб-сайтларга уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

- 8. Миробод тумани ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг **1-илловасида** келтирилган даромадларнинг прогнози кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортқ миқдорга бажарилмаси ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мувожазатга асосан тартибга солишчи бюджетларро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан тақдирлар киритилади.

- 9. Миробод тумани ҳокимлиги: Қонуннинг 20-моддасига асосан, тумани бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда тумани Кенгаши томонидан тумани ҳокимлигининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

- Қонуннинг 24-моддасига асосан, тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин. бюджет даромадлари ва харажатларнинг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назоратни ўрнатиш учун тумани Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

- Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни омивий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

- 10. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлигини ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Миробод тумани ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши раиси Ш.Пулатов**

2019 йил 17 декабрь

### "БҲҮҮК ЮРТ УЧУН" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиғдий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз йўлини топишга қийналаётган ёшларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тизимли ишларни амалга оширишга оид чора-тадбирлар дастурининг 35-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази қўшма қарори асосида ташкил этилган ижодкор ёшлар ўртасидаги "Буюк юрт учун" ижодий танлови ҳам ана шу эзгу ишларнинг яққол ифодасидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур танлов ғолиблари тақдирланди. Ушбу танлов мамлакатимизда 18-30 ёшгача бўлган ижодкор ёшлар ўртасида ижодга, адабиётга, китобга қизиқишни ошириш, юртга чексиз садоқатни бадий ижодга акс эттира олиш иқтидорини аниқлаш мақсадида публицистика, назм ва наср йўналишларида шу йилнинг сентябрь, октябрь ойларида икки босқичда ўтказилди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган ижодий ишлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди ва ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши деб топилган ижодий ишлар сараланди.

Танловда республика миқёсида 300 нафардан ортқк ёш ижодкор ўзларининг муаллифлик ишлари билан иштирок этди.

Назм йўналиши бўйича 1-ўринга самарқандлик Камола Мусулмонова, 2-ўринга хоразмлик Раҳматжон Бобоҷонов, 3-ўринга андижонлик Нурилло Абдушукуров, наср йўналишида 1-ўринга қашқадарёлик Азизбек Норов, 2-ўринга самарқандлик Сардор Темиржонов, 3-ўринга хоразмлик Жуманазар Йўлдошев, публицистика йўналишида 1-ўринга фарғоналик Мадаминжон Солиҷонов, 2-ўринга хоразмлик Отаҳон Нафуллаев, 3-ўринга тошкентлик Отабек Исроиловлар муносиб топилди.

Ғолиблар уюшма томонидан мукофотланди, фаол қатнашчиларга сертификат, эсдалик совғалари топширилди.

(ЎЗА)



## АДАБИЁТ – ҚАЛБЛАР КЎПРИГИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ўзбек замонавий адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва чет мамлакатларда тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзuida республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

"Ижод" фонди билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, тилшунослар, таржимонлар иштирок этди.

Анжуманда ўзбек тилида яратилган сара асарларни хорижий тилларга таржима қилиш ва чет мамлакатларда нашр этиш ишларини янада фоллаштириш, мохир таржимонларни тайёрлаш борасида халқаро тажрибаларни ўрганиш, таржима назарияси ва амалиёти масалалари борасида қилинаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Маърузачилар ўзбек замонавий шеърятининг қардош ва хорижий тилларга тағлама таржимаси сифатини яхшилаш, шу асосда баддий таржималарни яратиш, уларни чоп этиб, тарғиб қилувчи хорижий шериклар топшиш жараёни осонлашувига эришиш каби долзарб муаммолар ечимига эътибор қаратди.

– Тиллар воситасида бир халқдан иккинчи халққа жуда кўплаб сўзлар кириб келган, – деди ЎЗА муҳбирига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Носир Шербоев. – Шу сўзларнинг айримларини маҳаллий халқ ўз тилига таржима қилган бўлса, айримлари шундайлигича қолаверган. Бу ҳодиса дунёдаги ҳамма тилларда рўй берган. Бошқа тилга ўтган сўзлар ўша тилда қўлланилиб, янги тушунчаларни аңглата бошлаган. Демак, баддий асарлар таржимаси инсоният тамаддуни учун ҳам хизмат қилади.

Анжуман якунида қатнашчиларга сертификатлар топширилди, "XXI аср ўзбек шеърятини ва насри намуналари", "XXI аср Ўзбекистон адабиёти қиёфаси" лойиҳаларининг тақдироти ўтказилди.

Озода БЕКМУРОВОДА



## АСАРЛАРДА ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Баддий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом Виктор Аннинг "Дўстларнинг дўстлари" деб номланган фотокўргазмаси очилди, дея хабар беради ЎЗА.**

Экспозицияда рассомнинг 70 асари намойиш этилмоқда. Улар ичида "Бахтдилар вақтни кузатишмайди" ҳамда "Биометрик паспорт учун портретлар" туркум асарлари ўзининг маънога бойлиги билан алоҳида ўрин тутди.

Таниқли фотограф Виктор Ан 1947 йилда Тошкент вилоятида туғилган. У узоқ йиллар давомида ҳайдовчи, радио-техника устаси, ёш техниклар станциясида устоз ва фотомуҳбир лавозимларида ишлаган.

Виктор Ан Россия Федерацияси фоторассомлар уюшмасининг ҳам аъзоси. Унинг шахсий кўргазмалари Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг кўплаб шаҳарларида намойиш этилган.

"Дўстларнинг дўстлари" номли кўргазмасига қўйилган фотосуратлари кузатар экансиз, уларда инсонларнинг кўз илгамас ришталар орқали бир-бирига узвий боғлиқ эканлигига ишорани илғайсиз.

Гулноза БОБОЕВА

## СПОРТ – ЁШЛАРНИ ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

**Ёшларни жисмонан бақувват, иродаси мустаҳкам, меҳнатсевар, ақлан етук бўлиб камол топишида спорт муҳим аҳамият касб этади. Бўш вақтдан унумли фойдаланиш, спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш қобилиятли спортчиларни етиштириб чиқишига хизмат қилади.**

Футбол – миллионлар ўйини бўлиб, спортнинг бу тури ёшларнинг сеvimли машғулотларидан бирига айланган бормоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридаги туманларда ўрта умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида спортнинг мини-футбол бўйича мусобақалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Беллашувлар қизгин баҳсларга бой бўлди. Миробод туманидаги 147-мактабнинг ёш спортчи ўғлонларидан иборат мини-футбол жамоаси туман миқёсидаги мусобақаларда тенгқур дўстлари устидан муносиб галаба қозондилар.

Пойтахт миқёсидаги баҳслар жа-

моалар ўртасида шиддатли ўйинлар, ҳаяжонли баҳсларга бой бўлди.

Тошкент шаҳар биринчилигининг финал баҳсида 147-мактабнинг мини-футбол жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди. Устоз учун шогирдининг муваффақияти гоёят қувонарли, эсда қоларлидир.

Мухими, галаба қозониш билан биргаликда мусобақада фаол иштирок этиш, тажрибани ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳисса қўшиш, дўстлар орттиришидир.

**Лочинбек ОРЗИЕВ,**  
**Миробод туманидаги 147-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси**

**Мамлакатимизда чиқиндидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тажрибаси оmmалашмоқда. Бу фаолият билан машғул тадбиркорлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани яхши самара бераёпти. Ташаббускорлар хориждан замонавий технологиялар келтириб, ўзига хос кластерларни ишга туширмоқда.**

Президентимизнинг 2018 йил 18 майдаги "Машиий чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аввало экологик хавфсизликни таъминлашга қўлай шароит яратиш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини шакллантиришга тўққонлик қилаётган айрим муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мақсад машиий чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини янада ривожлантириш, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солишидир.

Чиқиндиларни аввалгидек йўқ қилиш, ахлатга ташлаш ёки ёқиб юбориш атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарар етказиши мумкинлигини кўпчилик яхши билади. Уларни қайта ишлаш эса долзарб бўлгани учун ҳудудларда шу йўналишда самарали фаолият юритаётган корхоналар сафи ортмоқда. Эътиборлиси, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб юқори. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда.

Хусусан, тизимдаги корхоналар билан ҳамкорликда жойларда чиқиндиларни қайта ишлашчи корхоналардан иборат кичик иқтисодий зона ташкил этиш ва соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ана шундай корхоналардан бири Андижон шаҳрида фаолият юритаётган "Eldaz-Design" масъулияти чекланган жамияти ҳисобланади. Мазкур корхона 2018 йилда ташкил топган бўлиб, шиша чиқиндиси ва кесилган ойна қолдиқларидан майолика (кошин) ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

МЧЖ раҳбари Элмурод Азизов асли Тошкент шаҳридан. У Андижондаги 16 сотих ер участкасида корхона очиб, ўз бизнесини юритишни ният қилган эди. Унинг савий-ҳаракатлари амалга ошиб, 2018 йилда бизнес режасини Андижон вилояти ҳокимлиги масъуллари қўллаб-қувватлади. Бунинг учун тижорат банкидан

имтиёзли кредит олишига ҳам кўмак берилди. Шу тарихи корхона тадбиркорнинг ўз маблаг ва тижорат банки имтиёзли кредити асосида иш бошлади.

Бугунги кунда корхонада 45 иш ўрни яратилган бўлиб, унда икки юз турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, қурилишда зарур бўлган майолика кошнларни асосан катта бассейн, кичик сув ҳавзалари, фонтанлар атрофи, спорт комплекслари, ошхона, ҳаммом ва деворларни безашда қўлланилади. Хатто, полга ҳам тўшаб бўлади.

– Майолика кошнлари буткул соф экологик маҳсу-

## ҚАЙТА ИШЛАНГАН ЧИҚИНДИ КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ

лотдир, – дейди "Eldaz-Design" МЧЖ раҳбари Элмурод Азизов. – Ундаги барча захарли ёки зарarli моддалар печга солингандаёқ йўқ бўлади. Яна майоликани тайёрлашда маҳсулотида эга экологик тоза хом ашё қўшимчаларидан ҳам фойдаланамиз. Бир ойда ўртача 150-200 тонна шиша синиги қайта ишланади.

Корхона учта линияга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда фақат битта линия фаолият кўрсатмоқда. Келажакда ташқи бозордаги экспорт ҳажмининг босқичма-босқич ортиши ҳисобига яна иккита линия ишга туширилиши режалаштирилган. Шунда бир ойда учта линияда жами 750 тонна шиша синиги чиқиндисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Шиша синиқлари тайёр майоликага айланганга қадар бир неча босқичдан ўтади. Дастлаб, шиша синиқлари обдон тозаланади ва бир сутка давомида қуритилади. Қуритилган шиша чиқиндиси шарли (шаровой) тегирмонга солинади ва яхшилаб майдаланади.

Майдаланган шиша чиқиндиси маҳсул элак (вибросито)дан ўтказилади. Шундан сўнг хом ашё миксер – қориштиргичга солиниб, сув ва ранг билан обдон ара-

лаштирилади. Аралашма маҳсул шакл қолиплари (уч-бурчак, тўртбурчак, ромб, томчи, юракча ва Ҳ.К.)га қўйилади. Шакл қолиплари печкада 850 даража иссиқликда тоблаб ишлярилади ва бир сутка давомида совутилади.

Совутилган тайёр шакллар йиғув-терув цехига узатилади. Бу ерда шакллар маҳсул қолипларга битта-лаб териб-йиғиб чиқилади. Бу жараён фақат қўл меҳнати асосида бажарилади. Тайёр бўлган майолика сифат текширувидан ўтказилади. Бунда синган, чети чанган ва бўлақларга бўлинган шакллар аниқланса, дарҳол бутунига алмаштирилади. Сўнгги босқичда эса тайёр маҳсулот қадоқланади. Хар бир қутига жойлаштирилади майолика 1 квадрат метрни ташкил этади. 1 квадрат метр майолика эса 11 дونا бўлакни ўз ичига олади. Қадоқланган маҳсулот омборга жойлаштирилади.

Бир кунда битта линияда қарийб 5 тоннагача шиша чиқиндиси қайта ишлярилади, 100 квадрат метрдан 400 квадрат метргача тайёр маҳсулот тайёрланади.

– Маҳсулотимиз кўпроқ бозор расталари ва савдо дўканларига чиқарилади, – дейди корхона масъул ходими, малакали технолог Хусниддин Улуғбобоев. – Бирок, мақсадимиз маҳсулотимизни,

асосан кўшни ва хориж давлатларига экспорт қилишдир. Сабаб ушбу кошнларга хорижда ҳам талаб юқори бўлмоқда. Корхонамиз бу йилдан бошлаб ўз маҳсулотларини Россия, Беларусь, Қозғистон каби давлатларга экспорт қила бошлади.

Мазкур масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар тадбиркорлик субъекти сифатида иқтисодиётимизга фойда келтириши, қолаверса, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиши, энг муҳими, аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳосил бўлаётган саноат чиқиндиларининг 95 фоизи сақлаш ва қўйиш учун маҳсул полигонларга жойлаштирилади. Саноат корхоналари томонидан қўнуниликда белгиланган тартибда уларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш ишларига етарли даражада эътибор берилмаса, атроф-муҳитнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши йил сайин ортиб бораверади.

Абдулазиз МУСАЕВ

## "101"

### БИРГАЛИКДА ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

**Ҳозирги кунда турмушимизда "зангори олов" – газ энг қулай ёниш сифатида кенг қўлланилади. Газдан тўғри фойдаланиш қоқдаларига қатъий амал қилиш эса ёнган хавфсизлигини таъминлайди. Озгина эътиборсизлик оқибатида ёнган келиб чиқиши ва оила, давлатга моддий зарар етказиши мумкин.**

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш эса газдан фойдаланиш қоқдаларига амал қилиш зарур. Хусусан, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқилмаган пенчалар мўриси йилгига камда бир марта тозаланиши лозим.

**Хайрулла ПАЗИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносини ёнгандан муҳофаза қилувчи ЕХБ инспектори, капитан

Пойтахтимизда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида оддий хавфсизлик қоқдаларига риоя қилмаслик оқибатида ёки арзиммаган эътиборсизлик туфайли келиб чиқмоқда. Бепарволик оқибатида келиб чиқётган ёнғинлар мол-мулкни ёниб кетишига ҳамда фуқароларнинг ҳаётига хавф солади. Доимо хушёр бўлиш ва барча ёнган хавфсизлиги қоқдаларига риоя қилинг.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қарашли "Архив" ва "Халқ қабулхонаси" биноларини ёнгандан муҳофаза қилувчи ЕХБ кичик инспектори, сафдор**

Фуқаролар гавжум йилгиланган жойлардан бири бўлган метро бекатларида ёнган хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим. Фақулдада вазиятлар содир бўлганда ваҳима ва саросимга тушган инсонларнинг ўзи катта хавф келтиради.

Шунинг учун ҳам метрополитен раҳбарияти ва ходимлари билан ўтказилган учрашув ва дарава сўбатларида хушёр бўлишлари, доимий назоратда туришлари талаб этилади. Хар бир вагонларда мавжуд бўлган бирламчи ёнган учирши воситалари соҳ ҳолатда бўлиши ва улардан тўғри фойдаланишни барча билиши кераклиги ўқитиб ўтилмоқда.

**Даврон ШЕЙХОВ,**  
Тошкент шаҳар ЕХБ бош мутахассиси, капитан

Олов – "тилси ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳаммиса ёнган хавфсизлиги қоқдаларига қатъий риоя қилиш зарур. Фақулдада вазиятлар содир бўлганда ваҳима ва саросимга тушган инсонларнинг ўзи катта хавф келтиради.

**Комил ҚОДИРОВ,**  
Миробод тумани ЕХБ инспектори, лейтенант

Ёнган содир бўлган хонадон вайронга айланади, уйдан файз-баракат кўтарилади. Анчанарлиси, бир инсон ёки кичикотга гудак ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади ёки қўрбонга айланади.

Биз, ёнган хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чакраемиз. Уйдан чиқиб кетаётганизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларингизни ёлғиз қолдирманг.

**Шорустам ҚОММУДОВ,**  
"Маърифат маркази" ЕХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз берётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, электр асбоблари ва маший техника воситалардан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, бефарқлик, умуман ёнган хавфсизлигини оддий қоқдаларига риоя қилмаслик оқибатида уй-жойларда кўпгина ёнган чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Республикамизнинг хар бир фуқароси биринчи навбатда ўз шахсий хавфсизлиги, ўз мол-мулки ва албатта жамоат, давлат мулкни кўз қорачиқидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уйи боғишда ҳақда қайғуриши керак.

**Ботир ШОРАХИМОВ,**  
"Бунёдор" стадиони ЕХБ бошлиғи, майор,  
**Рафазь ДАВЛЯЕВ,**  
"Бунёдор" стадиони ЕХБ инспектори, майор

Ёнган хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизда ёнган хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда.

Ёнган – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир. Аҳолининг газ плитасидан бепарволик билан фойдаланиши ҳам салбий оқибатларга олиб келиши. Шу сабабли фуқароларни ёнган хавфсизлиги қоқдаларига риоя қилишга чакриб қоламиз. Шунда сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкнигизни ёнғиндан сақлаган бўласиз.

**Нодир ҚОДИРОВ,**  
"Тошкент ИЭС" АЖ ёнган хавфсизлиги бўлими смена бошлиғи, майор

Тошкент шаҳри ҳудудида содир бўлган ёнғинлар тахлилини кўриб чиқадиган бўлсақ, 2019 йилнинг ўтган даври мубайнида пойтахтимизда 1263 та ёнғинлар қайд этилди. Ушбу ёнғинларда 19 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 31 нафари турли даражадаги куйиш тан жароҳати олганлар.

Тошкент шаҳар Ёнган хавфсизлиги бошқармаси ва қўйи тизими ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар, ўқув ва даволаш мақоаларида профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Ёшқубод туманида жойлашган Қўзи оқиқ болалар мактаб-интернати ўқитувчилари, тарбиячилари ҳамда ўқувчилари ўртасида кенг кўламли учрашув ўтказилди. Тадбир давомида кўргазмада тарғиб материалларидан фойдаланган ҳолда тушунтириб ўтилди.


**Умид ЮЛДАШЕВ,**  
ЕХБ катта инспектори, майор

Аҳоли орасида яшаш жойи, қўча майдони, масканлар атрофини қуриган углардан тозаллаб, йиғилиб қолганларни маҳсул ажратилган жойларга олиб чиқиш лозимлигига эътибор қилмайдиганлар топилди.

Ўз навбатида осонгина ёқиб қорилишига йўл қўйишда. Арзимас бўлиб қўрилган гулхан, ўчиримлаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг қўчада гуғурт ўйнашлари оқибатларида катта талафотларга сабаб бўлувчи ёнган келиб чиқади. Натихида инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар қўриши мумкин.

Шундай экан белгиланган қоқдаларга амал қилинг.

**Мурод ЗАКИРОВ,**  
ЎзМТРК ЕХБ кичик инспектори, сафдор



**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 24 декабрь кунга ўзгариб туради, ёнғинларни бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4 даража

сувоқ, кундузи – 5-7 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 24 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарarli моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яради, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

**Тошкент Оқшоми**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz  
Буюртма Г- 1246

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълоплар: (0-371) 233-28-95.  
факс: (0-371) 233-29-55  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган  
Ҳажими — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
1355 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2  
Топшириш вақти: 13.00  
Босишга топширилди: 15.20

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета тахирият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси-басмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй  
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ